

# International Finance and Accounting

---

Volume 2021 | Issue 3

Article 10

---

6-1-2021

## IMPORTANT ASPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS FOR FINANCIAL REPORTING AND AUDIT

Ulugbek Azizov Prof.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Azizov, Ulugbek Prof. (2021) "IMPORTANT ASPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS FOR FINANCIAL REPORTING AND AUDIT," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Профессор У.У.Азизов**

## **МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА АУДИТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ташқи савдо операцияларини амалга оширадиган ва хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар сони ортиб бормоқда. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари қабул қилинганлигига қарамай, халқаро молиявий ҳисобот ва аудит стандартларини жорий этишга, хорижий инвесторлар учун зарур ахборот муҳитини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мазкур мақолада молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда жорий этишнинг муҳим жиҳатлари, биринчи навбатда эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор вазифалар ва уларнинг ечими бўйича хулоса ва таклифлар ёритилган.

**Таянч сўзлар.** молиявий молиявий ҳисобот, аудит, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари (МХХС), аудитнинг халқаро стандартлари (АХС), аудитор, “IT-бухгалтер-аудитор”.

*Professor U.U.Azizov*

## **IMPORTANT ASPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS FOR FINANCIAL REPORTING AND AUDIT**

**Abstract.** The number of enterprises engaged in foreign trade operations and attracting foreign investment in the innovative development of the economy is growing. At the same time, despite the measures taken to introduce modern methods of corporate governance, there are still systemic problems that hinder the introduction of international financial reporting and auditing standards, providing the necessary information environment for foreign investors.

This article describes the important aspects of the introduction of international standards of financial reporting and auditing in Uzbekistan, the priorities that need to be addressed in the first place, and conclusions and recommendations for their solution.

**Keywords.** International Financial Reporting Standards (IFRS), audit, International Standards on Auditing (ISA), Auditor, “IT Accountant-Auditor”.

### **КИРИШ**

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашуви жараёни изчилилк билан амалга ошмоқда. Жумладан, амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон бизнесига интеграциялашуви халқаро инвесторларга ҳамкорлик қилиш учун қизиқиш уйғотган маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар талаблари асосида тушунарли, шаффоф, ишончли ва аниқ ҳолатда

умумэътироф этилган қоидаларга мувофиқ тақдим этилиши заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса сиёсий ва макроиктисодий барқарорликни таъминлашда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида халқаро матнадартлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида қатор ижобий ишлар амалга оширилиши зарур[3].

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида молиявий ҳисботларнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларининг мавжуд концепциялари ва принциплари асосида иқтисодиётсоҳа ҳамда тармоқларида қўлланилиши юзасидан таҳлилий маълумотлар куйидаги жадвалда акс эттирилган:

## **1-жадвал**

### **Молиявий ҳисботлар умумэътироф этилган халқаро стандартларининг иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида қўлланилиши<sup>1</sup>**

Т/Р	Молиявий ҳисботларнинг умумэътироф этилган халқаро стандартлари	Қўлланиладиган соҳа ва тармоқлар
1.	<b>IAS</b> (International accounting standards) <b>БХХС</b> ( <i>Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари</i> )	Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар
2.	<b>IFRS</b> (International finance reporting standards) <b>МХХС</b> ( <i>Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари</i> )	
3.	<b>IAS</b> (International auditing standards) <b>АХС</b> ( <i>Аудитнинг халқаро стандартлари</i> )	
4.	<b>IPSAS</b> (International public sector accounting standards) <b>ДСМХХС</b> ( <i>Давлат сектори учун Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари</i> )	Давлат сектори ташкилотлари ( <i>махсус</i> )
5.	<b>GAAP</b> (General accounting accepted principles) ( <i>Бухгалтерия ҳисобинингумқабул қилингандай тадқиқлари</i> )	Тижорат ва нотижорат ташкилотлари ( <i>асосан АҚШда</i> )

Бугунги кунда дунёning аксарият давлатларида Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) қўлланилади. Мазкур стандартларни республикамиз амалиётида жорий этиш юзасидан айни пайтда кўплаб илмий тадқиқот ишлари ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Хусусан, мамлакатимизда ушбу соҳа мутахасислари С.Джуманов, томонидан МХХСга ўтиш ва уни жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб қолаётганлиги [4], А.Авлакулов томонидан эса халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этиш, шунингдек бу жараёнда қулай инвестицион мухит, компаниялар фаолияти очиқлиги, бошқарувнинг акциядорлар олдиаги ҳисбдорлиги, корпоратив бошқарувнинг замонавий

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тайёрланган.

услубларининг жорий қилиниши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшиши тадқиқ этилган ва илмий асослаб берилган [6].

Таъкидлаш жоизки, МҲҲС методологиясини ўрганиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг Концептуал асосларида (Framework for the Preparation of Financial Statements) белгиланган принциплардан бошланиши керак. Ушбу ҳужжат стандарт ҳисобланмайди ва ракамга эга эмас, аммо МҲҲСни тушуниш учун аниқ асосларни ўз ичига олади. Унда келтирилган принциплар концепцияларга асосланади [7]. Молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилиги ички ва ташки фойдаланувчиарга хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион, инвестицион ҳамда молиявий фаолиятидаги келажақдаги пул оқимларини прогнозлашва шу асосда муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишга имконият яратади.

Ўтган йилларда мамлакатимизда ҳисоб юритиш ва аудит соҳасининг норматив-хуқуқий ва услубий базаси такомиллаштирилди, шунингдек аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ҳамда муддатсиз тизими жорий этилди. Бу эса ўз навбатида, ҳисоб юритиш ва аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ҳамда маҳаллий професионал ташкилотларнинг йирик халқаро тармоқларга интеграциясини таъминлашга имкон яратди. Шу билан бирга, соҳада мавжуд айрим муаммо ва нуқсонлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, корпоратив бошқарув тизими сифатини яхшиланишига ҳамда професионал бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик хизматларининг аҳамиятини ошишига тўсқинлик қилиб келмоқда.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сўнгти йилларда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли ва 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўлади.

Ушбу меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, 2020 йил январдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширишлари, хўжалик юритувчи субъектларни МҲҲСга ўтишга тайёрлаш ва мувофиқлаштириш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқиш каби долзарб масалалар белгилаб берилди. Хусусан:

1. 2021 йил якунларидан бошлаб мажбурий равишда МҲҲС асосида молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган шахслар рўйхати белгиланди. Ушбу рўйхатга акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари

ва йирик солиқ түловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар киритилди. Улар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этишлари, халқаро стандартларни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлашлари белгилаб қўйилди.

2. Етарли билим ва кўникмаларга эга бўлган қўплаб малакали мутахассислар тайёрлаш заруратини эътиборга олган ҳолда, миллий кадрларни тайёрлашга нисбатан мутлақо янги комплекс ёндашув асосида фаолиятни ташкил этиш масалалари ҳам белгилаб берилди. Бунда:

2020-2025 йиллар давомида МХХС бўйича биринчи марта ўқитиш, малакани ошириш, шунингдек бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида (ACCA дастурлари бўйича) имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари республика бюджетидан қопланиши;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида ўқишга кириш хуқуқига эга бўлиши каби имтиёзлар яратилди.

Мазкур яратилган шарт-шароитлар МХХС соҳасида малакали амалиётчи мутахассисларни ўз вақтида тайёрлаш билан бирга, соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини барпо этишга ҳам замин яратди.

Бугунги глобализация жараёнлари шиддат билан кечётган шароитда рақамли ва инновацион иқтисодиётни барпо этиш учун, албатта, барча соҳа ҳамда тармоқларда аниқ ва шаффоф, яхлитҳамда узлуксиз, барча учун бир хил ва тушунарли ҳисоб-китоб тизими ва шаклларини жорий этиш ўта муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқдавлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ҳамда бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади. Шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб юритиши ҳамда ҳисботот тақдим этиши белгиланган [1].

МХХСга мувофиқ ҳар қандай активлар, мажбуриятлар, капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда ва заарлар, уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектлари этиб белгиланган.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашиши натижасида миллий компаниялар томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудит ўтказиш жараёнини халқаро стандартлар асосида ташкил этишга бўлган эҳтиёжни кескин

ортишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, ахборот технологияларининг жадаллик биланривожланиши бухгалтерия ҳисобини тўлиқ автоматлаштирилган тарзда юритилишига замин яратмоқда. Бунга сунъий интеллект, рақамлаштириш ва блокчейн технологияларини ривожланиши ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, компания ҳамда ташкилотларнинг барча операцияларини махсус компьютер дастурлари ва иловалари асосида исталган маконда ва замондан туриб бошқариш имкониятларини юзага келтирмоқда.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқин келажакда иқтисодиётнинг барча соҳалари ҳамда тармоқларида, шу жумладан давлат тизимида ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ ишлар тўлиқ рақамлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ишчи ўринларининг кескин қисқаришига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, келгусида бухгалтерия ва аудит соҳалари учун кадрлар тайёрлаш масаласи бугунги кунда ўта долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларивасоҳаларига рақамли иқтисодиётни жорий этиш масаласи жиддий эътибор марказида бўлиб туриди. Бу борада тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

Бироқ, шу билан бирга амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобива унинг назоратини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятида бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган эскича қарашлар, ҳисобот шакллари, ҳисобвараклар режаси, стандартлар, услубиёт (методология), қофозбозлик ва ортиқча вақт сарфини талаб этувчи унсурлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг молиявий сектори бўлган банклар, нобанк кредит ташкилотлари, суғурта компанияларида, шунингдек айrim йирик акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот шакллари, ҳисобвараклар режаси, услубиёт МХХС талабларига имкон қадар яқинлаштирилган ҳолатда юритилаётган бўлса, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва ташкилотларида, шунингдек давлат тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ҳанузгача собиқ иттифоқ давридан “меърос” бўлиб келаётган мутлақо бугунги давр талабларига жавоб бермайдиган шакллар ҳамда услубиёт асосида юритиб келинмоқда[6].

Республикамиздаги мавжуд барча турдаги корхона ҳамда ташкилотларнинг, муассасаларнинг – юридик шахсларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритиш, аудитдан ўtkазиш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ умумий муаммоларни таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиқадиган хulosаларга тўхтадиган бўлсак, қуйидаги энг муҳим масалаларни қайд этиб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз:

1. Фаолиятни хўжалик юритиш шаклига қараб, турли норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши;
2. Барча учун бир хил бўлган ягоналик принципини мавжуд эмаслиги;

3. Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисбот шаклларининг субъектларнинг тоифасидан келиб чиқиб, бири-биридан кескин фарқ қилиши;

4. Молиявий ҳисботларни ички ва/ёки ташқи фойдаланувчилар учун турлича ёндашув ва шаклларда расмийлаштирилиши.

Мазкур ҳолатлар, албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг халқаро майдонда мустаҳкам ўз ўрнини топишига, инвестицияларни янада кенг миқёсда ва қулай шартлар асосида жалб қилинишига, интеграция жараёнларининг кучайиши, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигининг янада ошишига салбий таъсир ўтказиб келмоқда.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Шу сабабли, юқорида қайд этилган муаммоларни жуда қисқа фурсатларда жадаллик, изчилик ва қаъият билан бартараф этилишинимақсадга мувоғик деб ҳисблаймиз ҳамда қўйидаги амалий таклиф ва тавсияларимизни билдирамиз:

**Биринчидан**, мамлакатимизда бухгалтерия ва аудит соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарур.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашуви, ахборот технологияларининг жадаллик билан ривожланиши бухгалтерия ҳисобини тўлиқ автоматлаштирилган тарзда юритилишига олиб келади. Бунга сунъий интеллект, рақамлаштириш ва блокчейн технологияларининг ривожланиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Компания ва ташкилотларнинг барча операциялари махсус компьютер дастурлариҳамда иловалари асосида исталган маконда ва замонда инсон иштирокисиз амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ишчи ўринларининг кескин қисқаришига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, келгусида бухгалтерия ҳамда аудит соҳалари учун кадрлар тайёрлаш масаласида эски ва анъанавий тарзда ташкил этилган бакалавриатнинг тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун белгиланган қабул квотасини кескин қисқартириш ҳисобига, улар ўрнига “IT-бухгалтер-аудитор” таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйилиши мақсадга мувоғик;

**Иккинчидан**, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари корхона ҳамда ташкилотларда, шунингдек давлат тизимидағи бюджет ташкилотлари ва муассасаларда, умуман тижорат ва нотижорат ташкилотларда – юридик шахслар фаолиятида МХХСни тўлиқ жорий этилишини қатъият билан жадаллаштириш лозим.

Бунда, бухгалтерияда барча молия-ҳисоб ишлари билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш, дастурий алгоритмларни яратиш ва улар имкониятларидан кенг ҳамда самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, “Ягона

хисобвараплар режаси, ягона ҳисобот ва ягона дастурий таъминот” тамойилига асосланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таклифҳамда тавсияларимизни амалиётта жорий этилиши Ўзбекистонда бухгалтерия ва аудит соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни янада кенгайиши ҳамда такомиллашувига хизмат қилиши ва бу орқали мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни янада кенг миқёсда ҳамда қулай шартлар асосида жалб қилинишига, интеграция жараёнларининг кучайишига, экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигининг янада ошишига имкон беради деб ишонамиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Конун, ЎрҚ-404, 13.04.2021 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611 сон Қарори, 24 феврал, 2020 йил.
3. А.Каримов, М.Хожиев. МҲҲС – Халқаро молиявий бозорга чиқиш имкониятларини оширадими?. Молия. Илмий журнал. - Тошкент, 2020 йил, № 2-сон 14-22 бет.
4. Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. -56 б.
5. Khojiyev M.S. Integration of Uzbekistan into the world economic community within the framework of audit standardization based on international financial reporting standards. // Journal of critical reviews. Vol 7, Issue 11, 2020: page 433-436 doi:10.31838/jcr.07.11.77. <http://www.jcreview.com/?mno=117731>.
6. Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар қўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.
7. [www.iasplus.com](http://www.iasplus.com) – Framework for the Preparation and Presentation of Financial Statements.
8. Jérémie Bertrand, Hélène Brebisson, Aurore Burietz. Why choosing IFRS? Benefits of voluntary adoption by European private companies. // International Review of Law and Economics, Volume 65, March 2021, 105968.
9. Milos Tumpach Zuzana Juhászová Zuzana Kubáčíková Petra Krišková. Datasets of impact of the first-time adoption of IFRS 16 in the financial statements of Slovak compulsory IFRS adopters. // Data in Brief, Volume 36, June 2021.
10. Orhan Akisik. The impact of financial development, IFRS, and rule of LAW on foreign investments: A cross-country analysis. // International Review of Economics & Finance, Volume 69, September 2020, Pages 815-838.